



НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТУВЧИ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИДА СОЛИҚ МУНОСАБАТЛАРИ

Абдуллаев Айбек Назарбаевич

"Бухгалтерия ҳисоби" кафедраси таянч докторанти

ORCID:0000-0002-2375-0221

TAX RELATIONS IN BUSINESS ENTITIES PROVIDING NON-STATE EDUCATIONAL SERVICES

Abdullaev Aybek Nazarbaevich

Assistant doctoral student of the "Accounting" department

ORCID:0000-0002-2375-0221

JEL Classification: M1, M4, M48

Аннотация. Мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ислохотлар Ўзбекистоннинг жаҳонда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган тараққиёти йўлидаги улугвор мақсадларга қаратилган. Ёшларимизни таълим тарбиясига қаратилаётган алоҳида эътиборни мутлақо янгича мазмун ва шаклда таълим этилаётган Президент мактаблари, Ижод мактаби, давлат-хусусий шериклар асосидаги таълим ташиқлотлари, ва ниҳоят, нодавлат таълим ташиқлотларини ташиқил этиши ва фаолият кўрсатиши йўлида амалга оширилаётган ислохотлардан ҳам кузатишимиз мумкин. Давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган ислохотлар нафақат мактабгача ва умумий ўрта мактаб таълимига, балки олий таълим тизимида ҳам соғлом рақобат муҳитини шакллантириши имконини берадиган хусусий олий таълим муассасалари ва ривожланган хорижий давлатларнинг нуфузли олий ўқув юртларининг филиалларини очилиши ва улар билан қўшма

таълим дастурларини ташиқил этиши йўналишларида ҳам намоён бўлмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий соҳага оид фаолият турлари, хусусан, нодавлат таълим хизматларини кўрсатиши фаолияти билан шуғулланаётган юридик шахслар учун яратилган имтиёзлар, уларнинг юридик шахс сифатида солиққа оид муносабатларни тўғри ташиқил этиши, амалдаги солиқ имтиёзлари ва уларнинг нисбий таснифланиши, имтиёзлардан фойдаланиши шартлари ва тартиблари, имтиёзларни бухгалтерия ҳисобидан акс этитириши тартиби ва мазкур соҳага оид амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғри фойдаланиши кўникмасини шакллантириши, фикримизча ҳозирги кундаги долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Тақдим этилаётган имтиёзлардан айримлари муддат жиҳатидан, айримлари фаолият турига нисбатан ўзига хос хусусиятларга эга. Бу жараёнда солиқ имтиёзларидан тўғри фойдаланиши, уларни бухгалтерия ҳисобидан тўғри акс этитириши муҳим аҳамият касб этади, албатта.

Abstract. *The large-scale reforms carried out in our country are aimed at achieving the ambitious development goals of Uzbekistan, which have no equal in the world. The special attention paid to the education of our youth can be seen from the Presidential schools, the School of Creativity, educational organizations based on public-private partnerships, and finally, the reforms that are being implemented in the way of the organization and operation of non-governmental educational organizations.*

The reforms carried out by our state and government are aimed not only at pre-school and general high school education, but also in the direction of opening branches of private higher education institutions and prestigious higher education institutions of developed foreign countries, which will enable the formation of a healthy competitive environment in the higher education system, and the establishment of joint educational programs with them, is appearing. The types of activities related to the social sphere carried out in our country, in particular, the benefits created for legal entities engaged in the provision of non-state educational services, the correct organization of their tax relations as a legal entity, current tax benefits and their relative classification, conditions and procedures for using benefits, benefits. In our opinion, the formation of skills in the correct use of the accounting reporting procedure and the current regulatory and legal documents related to this field is one of the most urgent issues today. Some of the provided benefits have their own characteristics in terms of duration, and some in relation to the type of activity. In this process, the correct use of

tax benefits, their correct reflection in accounting is important, of course.

Калим сўзлар. *Нодавлат таълим хизматлари, солиқ, имтиёз, таъхилий-ҳуқуқий шакл, давлат-хусусий шерикчилик, рақобат, фойда, муассаса.*

Keywords. *Non-state educational services, tax, benefit, organizational-legal form, public-private partnership, competition, profit, institution*

Кириш. Жаҳонинг ривожланган давлатлари таърибасидан маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг "маъмурий-бошқарув тизими" ўз ўрнини босиб қичма-босқич "тартибга солиш механизми"га бўшашиб беради. Бу жараёнлар хўжалик субъектларининг ишлаб чиқариш – молиявий фаолиятига давлатнинг бевосита аралашувини ўзида мужассамлаштирмайди. Аксинча, бозор механизмларининг амал қилиши ва бу механизмлар ёрдамида иқтисодий жараёнларни тартибга солиш учун зарурий шарт-шароитларни яратиш бериши керак. Бундай тартибга солиш воситаларидан бири бу солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобланади. Солиқ сиёсатини манипуляция қилиб, давлат тадбиркорлик субъектлари фаолияти иқтисодий ривожланишини рағбатлантиради ва (ёки) уни чеклаб қўяди. Тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашнинг фаол сиёсати олиб борилаётган, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмлари яратилган ва қўлланилаётган мамлакатларда бизнес ривожланиб бораверади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг

марказий бўғинида солиқ соҳасидаги ислохотлар орқали тадбиркорлик субъектларига қулай бизнес муҳитини яратиш турибди. Мамлакатимизда амалда бўлган солиқ кодекси ва мазкур муносабатларни тартибга солувчи бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосан тадбиркорлик фаолияти учун солиқ юкини камайтириш, муаян бир соҳа ёки тармоқ учун солиқ имтиёзларини бериш орқали уларни ривожлантиришга замин яратишга қаратилгандир.

Материал ва метод. Эркин рақобатга асосланган бозор муносабатлари шароитида давлат томонидан иқтисодий фискал сиёсат инструменти воситасида тартибга солиш, мазкур инструментлар воситасида давлат томонидан тадбиркорлик фаолиятига бевосита эмас, балки билвосита таъсир этиш даражасига оид турли назарий ёндошувлар мавжуд. Хусусан, Ж.Кейнс давлат фискал сиёсат инструменти орқали ялпи талабни самарали рағбатлантириш имкониятларига эга бўлишини таъкидлаган бўлса, К.Макконелл ва С.Брюлар солиқлар фискал сиёсатининг бир қисми сифатида намоён бўлишини, у иқтисодий барқарорликни таъминлашда ҳал этиладиган вазифалардан келиб чиқиб, фискал сиёсатни тўқинлик қилувчи ёки рағбатлантирувчи сиёсатлар эканлигини эътироф этганлар. Солиқлар давлат томонидан тартибга солиш инструменти сифатида фойдаланилиши юзасидан замонамиз олимлари ҳам қатор илмий изланишлар олиб бориб, ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини илмий ижодларида баён этиб ўтганлар. Хусусан, давлатимизнинг солиқ тизими ва солиққа тортиш амалиётини

такомиллаштириш бўйича назарий билим ва амалий таклифлари билан кенг жамоатчиликка танилган Э.Гадов, Ш.Гатаулин [7], И.Завалишина, Т.Маликов [8], О.Олимжонов [9], Ш.Тошматов, Б.Тошмуродова, Н.Хайдаров, И.Ниязметов ва Қ.Яҳёев каби амалиётчи олимларнинг ўзларининг илмий изланишларида солиқларни давлат томонидан тартибга солиш инструменти сифатида эътироф этилиши ва унинг иқтисодий фаолиятга таъсири бўйича турли фикр ва мулоҳазаларни билдириб ўтишган.

Шунингдек, мазкур мавзу доирасида илмий тадқиқот ишларини олиб борган Ш.Тошматов, Н.Ашурова ва Х.Зарипов каби илмий тадқиқотчилар ўзларининг илмий ишларида солиққа оид муносабатларнинг умумий жиҳатлари тўғрисида фикр юритишган. Лекин ушбу илмий ишланмаларда айнан ижтимоий соҳа, хусусан, таълим хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар фаолиятини солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари тўлиқ тадбиқ этилмаган. Сўнгги йилларда нодавлат таълим хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар сони кўпайиб бораётганлиги мазкур соҳада фаолият юритувчи юридик шахсларни солиққа тортиш масалаларни чуқурроқ таҳлил қилишни тақозо этмоқда.

Натижалар. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг [1] 17-моддасида республикамиз ҳудудида амалда бўлган қуйидаги солиқ турлари келтирилган:

- 1) қўшилган қиймат солиғи;
- 2) акциз солиғи;
- 3) фойда солиғи;
- 4) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

- 5) ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;
- 6) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- 7) мол-мулк солиғи;
- 8) ер солиғи;
- 9) ижтимоий солиқ;
- 10) фойдали казилмаларни казиб олганлик учун махсус рента солиғи;
- 11) айланмадан олинадиган солиқ.

Фикримизча, мазкур солиқ турларини солиқ тўловчиларнинг хусусиятлари, солиқ турларининг иқтисодий моҳияти ва солиққа тортиладиган базага эаглик қилиш ҳуқуқидан келиб чиқиб, нисбий равишда куйидагича гуруҳлашимиз ҳам мумкин. Солиқларнинг нисбий тасниқланиши 1-чизмада келтирилган.


Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи ҳар бир юридик шахсга мазкур солиқларни давлат бюджетига тўлаш мажбурияти юклатилган. Республикамиз солиқ тизимида мазкур солиқларни тўловчилар муаян бир мезонларга асосан турли гуруҳларга ажратилади. Хусусан, Солиқ кодексининг 18-моддасига кўра республикамиз худудида бир қатор махсус солиқ режимлари ҳам белгилаб берилган (2-чизма).

Умумий асосларда аксарият солиқ тўловчилар 2 та катта гуруҳга ажратилади. Булар умумбелгиланган солиқ тўловчилар ва содалаштирилган тартибда солиқ тўловчилар. Кичик бизнес субъектига мансуб бўлган тадбиркорлик субъектлари фаолият тури ва ходимлар сонидан келиб чиққан ҳолда солиқ солишининг содалаштирилган тартибини танлаш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 августдаги **“Иқтисодий**

фаолият турларини таснифлашнинг халқаро тизимига ўтиш чоратадбирлари тўғрисида”ги 275-сон қарори билан тасдиқланган кичик тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган ташкилотларнинг **“Иқтисодий фаолият турларининг умумдавлат таснифлагичи”** (ИФУТ) асосида такомиллаштирилган таснифлагичига асосан таълим хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар учун ходимларнинг йиллик ўртача сони 5 нафаргача бўлса микрофирма, 11-25 нафаргача бўлса кичик корхона сифатида эътироф этилади ва улар кичик бизнес субъектлари мақомига эга бўлади [6].


Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг **“Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”**ги (ЎЗР АВ томонидан 2019 йил 12 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3172) 2019-45-сонли қарори билан тасдиқланган **“Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисида”**ги Низомга асосан йирик солиқ тўловчилар мақомига мансуб бўлган солиқ тўловчи – юридик шахсларга ҳам изоҳ берилган.

Нодавлат таълим хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар учун солиққа оид муносабатларни тўғри ташкил этиш учун айнан таълим хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар учун амалда бўлган солиқ тизимининг оптимал вариантини танлаш ва шу асосда солиқ ҳисобини ташкил этиш зарур. Энг аввало, амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан таълим хизматлари учун жорий этилган ижтимоий, иқтисодий ва маъмурий ҳолатни ўрганиш лозим.



1-чизма. Республикамизда амалда бўлган солиқ турларининг нисбий таснифланиши¹

¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган



2-чизма. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жорий этилган махсус солиқ режимлари

Солиқ кодексининг 59-моддасига асосан таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар ижтимоий соҳада фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс сифатида эътироф этилади. Агар таълим хизматларини кўрсатувчи юридик шахс бошқа фаолият турлари билан ҳам қўшимча равишда шуғулланадиган бўлса, уларнинг тегишли фаолият турларидан олинган даромадлари текин олинган мол-мулк тарзидаги даромадлар ҳисобга олинган ҳолда жами йиллик даромадининг камида 90 фоизини ташкил этиши шарт билан, ижтимоий соҳада фаолиятни амалга оширувчи шахслар деб эътироф этилиши белгилаб қўйилган.

Демак нодавлат таълим хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар мулкчилик ва ташкилий-ҳуқуқий шаклдан қатъий назар Солиқ кодексига белгиланган солиқларнинг тўловчилари ҳисобланади. 1-чизмада келтирилган нисбий таснифлагичдаги ресурс солиқлари (ер қабридан фойдаланганлик учун, фойдали

қазилмаларни қазиб олганлик учун махсус рента солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун) нодавлат таълим хизматлари фаолиятига алоқаси йўқлиги сабабли, таълим ташкилотлари мазкур солиқларнинг тўловчилари ҳисобланмайди. Агар нодавлат таълим ташкилоти мулк ҳуқуқи асосида мол-мулк ва ерга эга бўлса мазкур солиқларни ўрнатилган тартибда тўловчилари ҳисобланади. Нодавлат таълим ташкилотлари фаолият турига нисбатан тадбиқ этиладиган (ҚҚС, Акциз, фойда солиғи, айланмадан олинадиган солиқ) солиқлар, шунингдек, солиқ агенти сифатида тўланадиган солиқларнинг бевосита тўловчилари бўлиши мумкин. Мазкур солиқ тўловларининг ҳар бирига алоҳида тўхталиб ўтсак:

1. Қўшилган қиймат солиғи. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 237-моддасига кўра Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи ва (ёки) товарларни (хизматларни) реализация қилувчи

қуйидагилар қўшилган қиймат солиғини тўловчилар деб эътироф этилади. Нодавлат таълим хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар ҳам муаян бир фойда олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишини инобатга олиб, уларни ҳам мазкур солиқ тўловчилари таркибига киритишимиз мумкин. Лекин Солиқ кодексининг 243-моддасига асосан ўқитиш (таълим) соҳасидаги хизматлар, хусусан:

бошланғич, ўрта, ўрта махсус, техник ва касб-ҳунар, олий таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълим соҳасидаги таълим хизматлари;

таълим муассасалари (ташкilotлари), шунингдек кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширадиган ташкilotлар томонидан кўрсатиладиган қўшимча таълим бериш бўйича хизматлар;

мактабгача таълим ва тарбия дастурлари доирасида таълим ва тарбиялаш фаолиятини амалга оширувчи ташкilotларда болаларга қараш ва уларни парваришлаш бўйича хизматлар, тўгаракларда, секцияларда (шу жумладан спорт секцияларида) ва студияларда вояга етмаган болалар билан машғулотлар ўтказиш бўйича хизматлар **қўшилган қиймат солиғи солишдан озод этиладиган товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланмалар таркибига киритилган.**

Демак нодавлат таълим ташкilotлари томонидан кўрсатилаётган таълим хизматлари қўшилган қиймат солиғидан тўлиқ озод қилинган.

2. Акциз солиғи. Солиқ кодексининг 283-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида

акциз солиғи солинадиган товарларни (акциз тўланадиган товарларни) ишлаб чиқарувчилар мазкур солиқнинг тўловчилари бўлиши эътироф этилган. Амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти акциз ости товар (хизмат)лар рўйхатига киритилмаганлиги сабабли нодавлат таълим хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари мазкур солиқни тўламайди.

3. Фойда солиғи, айланмадан олинадиган солиқ, мол-мулк ва ер солиқлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3276-сонли қарори [3] билан мактабгача ва умумий ўрта таълим соҳасида нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахслар 2021 йил 1 январгача бўлган муддатда барча турдаги солиқ ва давлат мақсадли жамғармасига мажбурий тўловлардан (ижтимоий солиқдан ташқари) озод қилинган. Мазкур имтиёз муддати Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3931-сонли қарори [4] билан 2025 йил 1 январга қадар узайтирилган. Мазкур солиқ имтиёзлари натижасида тадбиркорлик субъекти ихтиёрида қоладиган пул маблағлари нодавлат таълим ташкilotларини замонавий ўқув воситалари билан жиҳозлаш, зарур маҳсулотлар ва жиҳозлар сотиб олиш, бино ва иншоотларни реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ҳамда

аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига бепул таълим хизматларини кўрсатишга мақсадли йўналтириш ишларига сарфланиши белгилаб қўйилди.

4. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ.

Нодавлат таълим хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари ўз ходимлари билан меҳнат муносабатларига киришганликлари сабабли, Солиқ кодексининг 23-моддасига асосан зиммасига солиқларни ҳисоблаб чиқариш, солиқ тўловчидан ушлаб қолиш ва бюджет тизимига ўтказиш мажбурияти юклатилган шахслар солиқ агентлари деб эътироф этилади. Ушбу солиқ турлари ўз вақтида ва ўрнатилган тартибда ҳисоблаш ҳамда тўлаб бориш мажбурияти нуқтаи назаридан нодавлат таълим ташкилотлари ушбу жараёнда солиқ агентлари сифатида эътироф этилади.

Нодавлат таълим хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари ўрнатилган тартибда лицензия олганидан кейин таълимнинг у ёки бу шакли билан шуғулланишлари мумкин. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонунининг [2] 7-моддасига кўра республикада ҳудудида қуйидаги таълим турлари мавжуд:

- 1) мактабгача таълим ва тарбия;
- 2) умумий ўрта ва ўрта махсус таълим;
- 3) профессионал таълим;
- 4) олий таълим;
- 5) олий таълимдан кейинги таълим;
- 6) кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

7) мактабдан ташқари таълим
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида таълим

сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг расмий вебсайтидаги [12] маълумотларга кўра ҳозирги кунда нодавлат таълим хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар ичида мактабгача таълим ва тарбия ҳамда кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш таълим турлари энг кўп салмоқни ташкил этади (1-жадвал).

Республикада ҳудудида амалда бўлган солиқлар ва улар бўйича нодавлат таълим хизматларини кўрсатувчи ташкилотларга берилган солиқ имтиёзлари муддат ва таълимнинг тури бўйича фарқланади. Аксарият солиқ имтиёзлари таълим муддатининг давомийлиги ва мазкур таълим турига аҳолининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб кўпроқ муддат ва миқдорларда берилган (2-жадвал). Нодавлат таълим фаолияти учун берилган солиқ имтиёзлари ҳам миқдор жиҳатдан, ҳам муддат жиҳатдан анча салмоқни ташкил этади.

Айниқса, нодавлат таълим хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар ижтимоий соҳада фаолиятни амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари сифатида эътироф этилиши уларга Солиқ кодексига асосан доимий характерга эга бўлган имтиёзларни тақдим этади. Амалиётда мазкур солиқ имтиёзларидан тўғри фойдаланиш, мазкур имтиёзлар натижасида тадбиркорлик субъекти ихтиёрида қолдириладиган маблағларни тўғри тасарруф этиш ҳам долзарб масалалардан бир ҳисобланади.

Мазкур масаланинг ечими биринчи навбатда, нодавлат таълим ташкилотининг бухгалтериясида мазкур имтиёзларни тўғри акс эттириш ҳисобланади. Бу жараёни ташкилотнинг бухгалтериясида ўз вақтида ва

Нодавлат таълим ташкилотларининг таълим турлари бўйича соли ва салмоғи

1-жадвал

№	Таълим турлари	ташкilot соли	улуши
1	Мактабгача таълим ва тарбия	2189	54,63
2	Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим	300	7,49
3	Професионал таълим	0	-
4	Олий таълим	42	1,05
5	Олий таълимдан кейинги таълим	0	-
6	Кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш	853	21,29
7	Мактабдан ташқари таълим	623	15,55
ЖАМИ		4007	100%

ўрнатилган тартибда акс эттирилиши имтиёзлардан фойдаланиш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган ҳуқуқий оқибатларни олдини олиш имконини беради, албатта.

Хулоса. Фикримизча давлат томонидан солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан берилаётган имтиёзлар асосан мазкур соҳани жорий ва истиқболдаги ривожлантириш йўналишидаги ислохотларнинг бир бўғинидир. Солиқ имтиёзларини тадбиқ этиш ва ундан қутиладиган самарани баҳолаш учун қатор таҳлиллар ўтказилиши, хорижий тажрибалар ўрганилиши лозим. Имтиёзларни беришда нафақат фаолият тури, балки, нодавлат таълим хизматларини кўрсатётган юридик шахсларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига ҳам эътибор қаратилиши лозим.

Сабаби, айрим нодавлат таълим хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар тўлиқ тадбиркорлик субъектлари сифатида, айримлари эса нодавлат-нотижорат ташкилоти сифатида давлат рўйхатидан ўтган.

Фикримизча солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича имтиёзларни асосан “муассаса”

шаклида ташкил этилган юридик шахслар учун тадбиқ этиш лозим. Бундай ҳулоса қилишимизнинг бир қатор объектив ва субъектив сабаблари бор.

Биринчидан, “муассаса” каби ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги юридик шахсларнинг Уставига кўра бу ташкилотларнинг асосий мақсади “фойда олиш” деб эътироф этилмайди. Ваҳоланки, бундай ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги ташкилотлар давлатимизга фуқароларнинг билим олиш ҳуқуқини таъминлашга хизмат қилади холос.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасига мувофиқ, “тадбиркорлик – даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолиятдир”, яъни, фойда олиш – тадбиркорликнинг мақсади деб эътироф этилган. Таълим фаолиятининг мақсади эса билим бериш, тарбиялашдир. Бу жараёнда таълим берувчилар ҳам даромад олишади. Лекин бу даромад – меҳнат ҳақи сифатида эътироф этиладиган даромад бўлади.

Нодавлат таълим хизматларини

Нодавлат таълим хизматлари учун амалдаги солиқ имтиёзлари²

2-жадвал

№	Таълим турлари	ҚҚС	Акциз солиғи	Фойда солиғи	Айланмадан олинадиган солиқ	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	Мол-мулк солиғи	Ер солиғи	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	Фойдали қазилмаларни қазиб олганлик учун махсус рента солиғи	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи*	Ижтимоий солиқ*	
1	Мактабгача таълим ва тарбия	Солиққа тортиш объекти мавжуд эмас СКнинг 243-моддаси	Солиққа тортиш объекти мавжуд эмас	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15.09.2017 йилдаги “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3276-сонли, 05.09.2018 йилдаги “Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3931-сонли қарорларига асосан 2025 йил 1 январгача бўлган муддатда барча турдаги солиқ ва давлат мақсадли жамғармасига мажбурий тўловлардан (ижтимоий солиқдан ташқари) озод қилинган.								тўлайди	тўлайди
2	Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим											тўлайди	тўлайди**
3	Профессional таълим			тўлайди	Тўлайди	тўлайди	имтиёз СКнинг 414-моддаси	имтиёз СКнинг 428-моддаси	Солиққа тортиш объекти мавжуд эмас	Солиққа тортиш объекти мавжуд эмас	тўлайди	тўлайди	
4	Олий таълим												
5	Олий таълимдан кейинги таълим												
6	Кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш												
7	Мактабдан ташқари таълим												

**солиқ агенти сифатида мазкур солиқларнинг тўловчи ҳисобланади.*

***Чет элдан таклиф этилган педагог кадрларга ҳисобланган иш ҳақи фондига нисабатан имтиёз мавжуд.*

² Амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда тадқиқотларга асосан муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

кўрсатувчи юридик шахслар учун давлатимиз томонидан берилаётган солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар негизида асосан таълим сифатини ошириш, давлат ва нодавлат

таълим ташкилотлари ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ва шу асосда ёшларимизни сифатли таълим олишига эришиш каби эзгу мақсадлар ётгани шубҳасиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сон Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3276-сонли қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3931-сонли қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 августдаги **“Иқтисодий фаолият турларини таснифлашнинг халқаро тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги 275-сон қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг 27.01.2017 йилдаги 1-мб, 3-к/к-сонли қўшма қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектлари ходимларининг ўртача йиллик сонини аниқлаш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ” (ЎЗР АВда 17.02.2017 й., 2858-рақам).
7. Гатаулин Ш. Солиқлар ва солиққа тортиш. Т.: 1996 й.
8. Маликов Т.С, Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. Монография. –Т.: Академия, 2002. -204 б.
9. Олимжонов О. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида солиқ сиёсати. Ҳаёт ва иқтисод, 1992 й.
10. www.lex.uz
11. www.soliq.uz
12. www.tdi.uz